

## АЛИШЕР НАВОЙЙНИНГ “МУҲОКАМАТ УЛ-ЛУҒАТАЙН” АСАРИДА СЎЗ ЯСАЛИШИ ҲАҚИДА

**Иҳтиёр Ризакулович Эрматов**

Гулистан давлат университети доценти (PhD)

[ermatov\\_7070@mail.ru](mailto:ermatov_7070@mail.ru)

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Алишер Навоиййнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида сўз ясалиши тизимига муносабати масалаларида фикр юритилади; асар муаллифининг моҳир тилшунос сифатидаги фаолиятига баҳо берилади.

**Калит сўзлар:** сўз, сўз ясаш, сўз ясалиши, аффикс, грамматик аффикс, тил, ҳарф.

### **КИРИШ**

Тилни сўзларсиз тасаввур этиш қийин. Сўз тилнинг асосий ва марказий бирлиги ҳисобланади. Тил фанида ҳам сўз муҳим ҳодисадир. Сўз бўлмаганда, тил ҳақидаги фан – тилшуносликнинг ҳам бўлмаслиги мумкин эди. Шу боис тил фанининг барча соҳаларида сўз, унинг у ёки бу хусусияти ўрганилади. Сўз ҳар тамонлама мураккаб ҳодиса бўлгани учун ҳам, тил ҳақидаги фан мураккаб ва серсоҳадир. Сўз ва унинг миқдори билан тилнинг бошқа тиллар орасидаги мавқеи белгиланади. Сўзи кўп тил мавқеи нуфузли, бой тил ҳисобланади.

Тилни шу тил эгаси – халқ яратганидек, ундаги сўзларнинг кашфиётчиси ҳам халқдир. Тил эгаси (халқ) орқали ўзи қуршалган объектив борлиқ, унинг нарса-ҳодисалари, шу нарса-ҳодисалараро ўзаро муносабатлар лисоний жабҳада инъикос этилади.

Лексика ёки луғат таркиби тилнинг бойлигини белгилайди. Негаки лексиканинг асосий бирлиги ҳам сўздир. Сўзларнинг пайдо бўлиши, ҳосил қилинишида сўз ясашнинг ўрни каттадир.

### **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ**

Алишер Навоиййнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асари грамматик қурилиши ҳар хил икки ҳудуддош тилнинг (эски ўзбек тили ва форс-тожик тили) ўзаро қиёсий муносабати масалаларига бағишлиланган. Шу жиҳатдан, буюк алломанинг ушбу асари том маънода тилшуносликка оид илмий асар

ҳисобланади. Унда ўн бешинчи аср ўзбек тилининг кенг лисоний имкониятлари, кенг коммуникатив доираси ёрқин ашёвий далиллар асосида баён этилади. Асарда ўзбек тилининг бой имкониятлари ундаги маънодош (синоним) сўзлар ва уларнинг услубий имкониятлари мисолида далилланиб, бу хусусиятлар ўша давр форс-тожик тилидаги айни ана шундай лисоний имкониятлар билан қиёсланади; форс-тожик тилининг бой лисоний имкониятларини камситмаган ҳолда, туркий тилнинг нағисликда форс-тожик тилидан қолишмаслиги аниқ ва ишонарли лисоний ашёлар асосида исботлаб берилади.

“Мұхокамат ул-лугатайн”ни Алишер Навоийнинг бадиий услубда ёзилган тилшуносликка оид илмий асари дейиш мумкин. Фикримизни асарда илмий шарҳи билан берилган сўз ясалиши ҳақидаги Навоийнинг қарашлари ҳам тасдиқлайдики, мазкур мақолада айни шу масалага оид айрим кузатишларимиз натижалари ҳақида маълумот берилади.

Алишер Навоий даврида ва ундан олдин ҳам бадиий услубда ёзилган ва тилшунослик масалаларига бағишлиланган асарлар бўлган, албатта. Бироқ улар туркий тилда эмас, балки араб ва форс тилларида ёзилган.

Алишер Навоий эса, улардан фарқли равишда, ўзининг ушбу асарини турк (эски ўзбек тили) тилида ёзганки, бу ўша давр учун ўзига хос алоҳида хусусиятлари билан муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек тилшунослигига сўз ясалиши ҳақидаги қарашлар ва уларнинг илмий шарҳи дастлаб, ҳеч шубҳасиз, айтиш жоизки, Алишер Навоийнинг ана шу машҳур қомусий асари “Мұхокамат ул-лугатайн” асарида учрайди (берилади).

Туркий тиллар грамматик қурилишда фарқ қилувчи араб ва форс тилларидан ўзига хос лисоний сифатлари билан тавсифланувчи сўз ясалиши тизимиға эгаки, бу ҳол Маҳмуд Қошғарий ва Алишер Навоийлар томонидан илмий жиҳатдан фарқланиб, лисоний хусусиятлари моҳирона шарҳланган. Хусусан, Алишер Навоий туркий (ўзбек) тилнинг сўз ясалиши тизими ҳақида ҳам эътиборга лойик фикр юритади. Бироқ шуниси ҳам борки, ўзбек тилшунослигига сўзларнинг ясалиши тизимини ўрганувчи сўз ясалиши мустақил ва алоҳида соҳа сифатида “XX асрнинг иккинчи яримларидан ўзбек тилини система сифатида ўрганишга жиддий эътибор қаратилгунча бўлган даврни ўз ичига олади” ва шу даврга келиб, шаклланган.

“Тилларнинг бойимоқларини, кенгаймакларини қулайлаштирган “сўз ясаш” йўли (арабча айтканда *ишитиқоқ* йўли)дир. Бир маънони онглатгучи биргина “туб” сўзни олиб, унга турли қўшимчалар қўшмоқ билан у маъно теграсидаги ўн-ўн беш маънони онглата олмоқ “сўз ясаш” йўли билан бўладир. Биз тилимиздаги сўз ясаш йўлининг кенглигини кўзда тутиб, келажакда бу шеванинг (соҳанинг – И.Э.) илмий, адабий, энг бой, энг кенг бир тил бўлишига ишонамиз”. Шуни айтиш керакки, атоқли тилшуноснинг бу ишончи ҳозирда тўла амалга ошмоқда. А.Ғуломов, З.Маъруфов, А.Ҳожиев, Ё.Тожиев, А.Нурмонов, Н.Махмудов каби олимларнинг илмий ишлари, дарслик ва қўлланмаларида сўз ясалишига катта эътибор берилаётганлиги, ниҳоят, илгари морфология таркибида ўрганиб келинган сўз ясалиши ҳодисаси тилшуносликнинг маҳсус бўлими сифатида тадқиқ этилаётганлиги ўша ишончнинг амалий ифодасидир.

*Сўз ясаш* ҳодисаси тилда бор бўлган маълум усул, модел асосида янги сўз ҳосил қилиш бўлса, *сўз ясалиши* эса сўз ясалиши ҳодисасини ўрганадиган тилшунослик бўлимидир.

Сўз юритилаётган мазкур асарда тилшунослик терминлари парадигмасига қарашли “қўшимча” (аффикс), “ҳарф” терминлари маъносида ишлатилувчи айрим атамаларнинг форс ва туркий тиллар учун расмийлашган муқобиллари ҳақида ҳам эътиборга лойиқ фикрлар учрайди. Масалан, “Андин дағи сортлар орий қолибурлар. Ва *атрок* (турклар – изоҳ бизники) анга ҳам хўброқ важҳ била мутобаат қолибурлар. Алар *лафзға* бир *ҳарф* (қўшимча – изоҳ бизники) орттургон била мунга ўхшаш бир *замирни* орттирубурлар, бағоят муҳтасар ва муфид тушубдур. Андоқки, *югурт* ва *қилдурт* ва *яшурт* ва *чиқарт*.

Алишер Навоий асарида **-т** аффикси феъл-асосларга қўшилиб орттирма нисбат шакли ясаган бўлса (*югурт* ва *қилдурт* ва *яшурт* ва *чиқарт*) ҳозирда ҳам орттирма нисбат шакли ясашда давом этмоқда. Масалан, *тўқи+т*, *ўқи+т*, *тишила+т* каби.

Яна бир адолари борки, баъзи алфознинг сўнгғида “**Ч**”, ёки “**чи**”лафзидур, орттуурлар, ё мансабнинг ё хунарнинг ё пешанинг изҳори учун; бу форсийда йўқтур, балки алар ҳам туркча айтурлар.

Мансабда андоқки, қўрчи ва сувчи ва хизоначи ва керак-яроғчи ва чавгончи ва найзачи ва шукурчи ва юртчи ва шилончи ва ахтачи бу йўсунлиғ кўптур.

Хунар ва пешада андоқки, қуиши ва борсчи ва қўруқчи ва тамғачи ва жибачи ва йўргачи ва ҳалвочи ва кемачи ва қўйчи. Андоқки, қуш ҳунарида даги бу истилоҳ, бордур, андоқки, қозчи ва қувчи ва турначи ва кийикчи ва товушиқончи, сорт лафзида йўқтур. Ва алар мазкур бўлғонларнинг кўпин туркча айтурлар. Ҳозирги ўзбек тилида ўз қатламга оид ягона шахс оти ясовчи **-чи** энг фаол ясовчи аффикси ҳисобланади. Бу аффикс:

а) нарса-предмет маъносидаги отларга қўшилиб, иш фаолиятини шу нарса-предметлар билан боғлик шахс маъносидаги от ясади: *термирчи*, *тароқчи*, *кетмончи*, *сувоқчи*, *тегирмончи*, *тандирчи*, *қумгончи*;

б) ижро манбай маъносидаги ясовчи асос (от)га қўшилиб, шу асос маъносини рўёбга чиқарувчи шахс маъносидаги отлар ясади: *санъатчи*, *карнайчи*, *сурнайчи*, *қўшиқчи*, *ўйинчи*, *латифачи*, *тароначи*, *доирачи*, *рубобчи*, *танбурчи*, *найчи*, *дуторчи*, *чангчи* ва б.;

в) ясовчи асос маъносига асосланган муайян гурух, оқим, йўналишга мансуб шахс маъносидаги отлар ясади: *ёқловчи*, *оқловчи*, *чайқовчи*, *салимовчи*, *қорагуруҳчи* ва б.;

г) ясовчи асос маъносига боғлик муайян хусусият, хоссага эга бўлган нарса ва ҳодисалар номини ясади: *қўшилувчи*, *бўлувчи*, *кўпаювчи*, *камаювчи*, *айрилувчи*, *ўзувчи* ва б.;

д) ясовчи асос маъноси билан боғлик белги-хусусият маъносидаги отлар ясади: *етакчи*, *тикловчи*, *бошловчи*, *элтувчи*, *қиравч*, *ўювчи*, *сайловчи*, *тўпловчи*, *тайёрловчи*, *қўшувчи* ва б.;

е) ясовчи асос маъноси билан боғлик муайян ғоя, қараш тарафдори маъносидаги отлар ясади: *оғмачи*, *қўзғолончи*, *тўполнончи*, *сўлчи* ва б. Алишер Навоий тилшунос сифатида **-чи** аффиксининг сўз ясалишида фаоллигини мисоллар билан асослаб берганлиги ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотганий йўқ. Биз буни Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асаридан олинган парчада ҳамда юқорида келтирилган мисолларда кўрдик.

Яна бир “*вов*” ва “*лом*” баъзи лафзга илҳоқ қилиб бир муъаббир ва бир маҳсус сифатқа таъйин қилурларки, салотиннинг хоҳ разм асбоби учун ва хоҳ базм жиҳоти учун мұтабардур. Андоқки, ҳировул, қаровул ва чингдовул ва янковул ва сўзовул ва патовул ва киповул ва ясовул ва баковул ва шиговул ва дақавулким, алар мундин орийдурлар. Яна баъзи лафзға бир “*лом*” илҳоқ қилурларким, ул шайънинг ул сифатда русухига далолат қилур. Андоқки, қаҳол ва ясол ва қабол ва түнқол ва тарқол ва тўскол ва суюрғол.

Ва бაъзи алфознинг охирида бир “чим” ҳарфи васил қилурлар ва аниг била ул феълда суръат йўсунлик ирода қилурлар. Андоқки, *етғач* ва *итқач* ва *борғоч* ва *ёргоч* ва *топқоч* ва *сотқоч*; яна бир “коф” ва “ре” ҳарфими, баъзи лафзнинг охирида илҳоқ қилурлар, андин муболаға ва саъй ирода қилурлар, андоқки, *билакўр* ва *қилакўр* ва *кетакўр* ва *етакўр*.

-*вул*, -*л*, -*кўр* аффикслари тарихий сўз ясалишида фаол бўлган бўлса, бугунги кунда бу аффикслар билан сўз ясаш ҳодисаси сўнган ёки сўз ясамайди.

-*гач*//-*кач*//-*ғоч*//-*қоч* аффиксларидан ҳозирги ўзбек адабий тилида -*гач*//-*кач* вариантлари қўлланади, -*ғоч*//-*қоч* тарихий вариантлари эса қўлланмайди. -*гач*//-*кач*//-*қач* аффикслари феълларга қўшилиб равишдошлар ясади: *келгач*, *эккакач*, *чиққакач*.

Яна бир навъ иборат ва адолари борким, бирорвдин бир ишни гумон элтмак била ул ишни ул кишига нисбатгана берурлар, йўқки, таҳқиқ юзидин, балки мазанна ва гумон ҳайсиятидин, аммо мунда диққат кўптур. Андоқки, *борғудек* ва *йорғудек* ва *кулгудек* ва *билгудек* ва *айтқудек* ва *қайтгудек* ва *ургудек* ва *сурғудек* ва бу форсийда бўлмас. Келтирилган парчадаги *-дек* аффикси ҳозир ҳам ҳар хил сўзлардан ўхшатиш маъносидаги равиш ясади: *қарагандек*, *ухлагандек*, *ўқигандек*, *гапиргандек*, *келгандек*, *боргандек*, *олгандек* ва б.

Ва яна бир ранг ё бир сифатнинг ҳумули ҳолига муболаға учун аниг аввалида, аввал ҳарфиға бир “n” ё “мим” изофа қилиб, ул шайъға зоид қилурлар: “n” мисоли: *оп-ок*, *қон-қора*, *қин-қизил*, *сан-сариғ*, *юп-юмалоқ*, *яп-яасси*, *оп-очиғ*, *чуп-чуқур*, бу навъ хил ҳам топилур; “мим” мисоли: *кўм-кўк*, *ям-яшил*, *бўм-бўши*. Ҳозирги ўзбек адабий тилида аслий сифатлар сифатнинг қучайтирув ва озайтирув оттенкали шаклларини ҳосил қила олади, қисман редупликация йўли билан интенсив шаклга эга бўлади. Масалан, *оппоқ*, *қон-қора*, *қин-қизил*, *сан-сариқ*, *син-силлиқ*, *кан-катта*, *кўм-кўк*, *ям-яшил*, *бўм-бўши* каби. Алишер Навоий аллома тилшунос сифатида аслий сифатларнинг редупликация йўли билан ҳосил бўлишини “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида далиллар билан исботлаб берган.

Қилич била *чопмогни*, *сўғлимогни* ва *найза* била *сончмогни* ва *илмогни* барисини зад лафзи била адо қилурлар. *-моз* аффикси ҳозирги ўзбек адабий тилида сўз ясамаса ҳам, айрим сўзлар таркибида учрайди ёки нофаол бўлсада қўлланади. Масалан, *Олмогнинг бермоғи бор*. (Мақол).

Яна баъзи маҳал ва маконда бир “қоғ” илҳоқ қилиб, бир фасл ё бир амрға мансуб қилурлар. Андоқки, қишилоқ ва яйлоқ ва овлоқ ва қушилоқ. Ва бу ҳам ғарибдур ва форсийда ҳам баъзини турк тили била айтурлар. Қишилоқ, яйлоқ, қушилоқ сўзлари ҳозирда тарихий сўз ясалиши нуқтаи назаридан таҳлил этилади. -лоқ жой оти ясовчи аффикси ҳозирги ўзбек тилида от-асосларга қўшилади, асос маъноси билан боғлиқ жой отлари ясади: *овлоқ, қумлоқ, тошилоқ, сувлоқ* каби.

Алишер Навоий тилшуносликнинг сўз ясалишига оид масалаларда ҳам зукко тилшунос сифатида намоён бўлади. У тилшуносликнинг сўз ясалиши сатҳи ҳақида қўйидагиларни ёзади: “Бу алфоз ва иборатда бу нав дақойик кўпдурким, бу кунда дегунча ҳеч киши мунинг ҳақиқатига мулоҳаза қилмағон жиҳатдин бу яшурун қолибдур”. Алишер Навоийнинг бу фикрларини эски ўзбек тилида грамматиканинг ёзилмаганлиги, мавжудлари ҳам араб тилида ёки форс тилида ёзилганлиги билан изоҳлаш мумкин. Мана шундай эски ўзбек тилида грамматиканинг яратилмаган бир вақтда Алишер Навоийнинг тил илмига оид илмий назарий қарашлари жуда аҳамиятлидир.

Алишер Навоийнинг сўз юритилаётган ушбу асарида тилшуносликка оид сўз бирикмаси шаклидаги *туркий тил, форсий тил, ҳиндий тил, сорт тили* каби яна бир қатор ясама тилшунослик атамалари ҳам ишлатилганки, асарнинг илмий лингвистик, муаллифнинг тилшунос олим эканлигидан яқол далолат беради. Мана, қиёсланг: “Аммо туркнинг улуғидин кичигига дегунча ва навкардин бегига дегунча *сорт тилид*ин баҳраманддурлар, андоқим ўз хўрд аҳволига кўра айта олурлар, балки баъзи фасоҳат ва балофат била ҳам *таклум қилурлар*”.

Шунингдек, Алишер Навоий “тил” унсури иштирокида синтактик усулда ясалган *турк тили* (*туркий тил*), *форс тили* (*форсий тил*), *ҳинд тили* (*ҳиндий тил*), *араб тили* (*арабий тил*), *сорт тили* каби бир қатор ясама лингвистик терминлар ижод этган аллома ҳамдир: “*Сорт тилид*а чоқин ва илдиримдек мутаайийин ва мўътабар икки нимага от қўймайдурлар ва *араб тили* била “барқ” ва “соиқат” била адо қилубдирлар”.

## ХУЛОСА

Юқорида айтилган фикрлар асосида шундай хulosага келиш мумкинки, Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асари, дарҳақиқат, филологик характердаги илмий асардир. Чунки бу мумтоз асарда ўша давр тил илмига

доир бир қанча сўз ясовчи аффикслар, грамматик аффикслар алоҳида эътибор билан тилга олинади, илмий шарҳланади. “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида қайд этилган ва юқорида ҳам шарҳлаб ўтилган қуйидаги сўз ясовчи аффикслар ва грамматик аффикслар бунинг мисолидир:

**-чи** аффикси отларга қўшилиб, шахс оти ясади: *қўрчи* ва *сувчи* ва *хизончи* ва *керак-ярогчи* ва *чавгончи* ва *найзачи* ва *шукурчи* ва *юртчи* ва *шилончи* ва *ахтачи*; *қуичи* ва *борсчи* ва *қўруқчи* ва *тамгачи* ва *жисбачи* ва *йўргачи* ва *ҳалвочи* ва *кемачи* ва *қўйчи*; *қозчи* ва *қувчи* ва *турначи* ва *кийикчи* ва *төвушқончи*.

**-мог** аффикси феъллардан феълнинг ҳаракат номи шаклини ясади: *чопмог*, *сўглимоғ* ва *сончмоғ* ва *илмоғ*.

**-лок** аффикси билан жой номлари ясади: *қишлоқ* ва *яйлоқ* ва *овлоқ* ва *қушилоқ*.

**-т** аффикси феъл-асосларга қўшилиб орттирма нисбат шакли ясади: *югурт* ва *қилдурт* ва *яшиурт* ва *чиқарт*.

**-дек** аффикси хар хил сўзлардан ўхшатиш маъносидаги равиш ясади: *боргудек* ва *йоргу́дек* ва *кулгу́дек* ва *билгу́дек* ва *айтқудек* ва *қайтгу́дек* ва *ургу́дек* ва *сургу́дек*.

**-гач//-кач//-гоч//-қоч** аффикслари феълларга қўшилиб равишдошлар ясади: *етгач* ва *иткач* ва *боргоч* ва *ёргоч* ва *топқоч* ва *сотқоч*.

**-қўр** аффикси феълларга қўшилади: *билақўр* ва *қилақўр* ва *кетақўр* ва *етақўр*.

**-вул** аффикси ҳар хил сўзлардан эгалик маъносидаги от ясади: *ҳировул*, *қаровул* ва *чингдовул* ва *янковул* ва *сўзовул* ва *патовул* ва *киповул* ва *ясовул* ва *баковул* ва *шиговул* ва *дақавул*.

**-л** аффикси феъллардан от ясади: *қаҳол* ва *ясол* ва *қабол* ва *тунқол* ва *тарқол* ва *тўсқол* ва *суюргол* каби ясовчилар бунинг исботга муҳтоҷ бўлмаган ёрқин далилидир. Тўғри, бу ясовчиларнинг қўпи ҳозирда қўлланмаса-да, улар тарихий ўзбек тилшунослиги сўз ясалиши тизимининг асосини ташкил этган.

## REFERENCES

- Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Ўнинчи жилд. Муҳокамат ул-луғатайн. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги НМИУ, 2013. – 684 б.
- Бердиалиев А. Ҳозирги ўзбек адабий тили (Морфемика, сўз ясалиши, морфонология). – Хужанд, 2015. – 136 б.

3. Бердиалиев А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Морфология. – Хужанд: Чашмаи нур, 2016. – 180 б.
4. Ermatov I. O'zbek tilshunoslik terminologiyasi. Monografiya. – Toshkent: Turoniqbol, 2021. – 152 b.
5. Mahkamov N., Ermatov I. Tilshunoslik terminlarining izohli lug'ati. – Toshkent: Fan, 2013. – 144 b.
6. Шоабдураҳмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиев А., Расулов И., Данияров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 450 б.
7. Fitrət A. Өzbek tili qaъdalarъ togrusъda bir təçribə, Birinci kitab. Sərf. Samarqand–Taşkent: Əzdəvnəşr, 1930. – 42 b.
8. Fitrət A. Өzbek tili qaъdalarъ togrusъda bir təçribə, İkkinci kitab. Nəhv. Samarqand – Taşkent: Əzdəvnəşr, 1930. – 38 b.
9. Uralov A. Hozirgi o'zbek adabiy tili (morfemikasi va derivatsiyasi). O'quv qo'llanma. – Toshkent: Yangi asr avlodı, 2021. – 248 б.
10. Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – 164 б.
11. Ҳожиев А. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари. – Тошкент: Фан, 2010. – 256 б.